

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Сурхондарё вилояти
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи
подполковник



А.А.Умаров

« 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

“Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси”

Шеробод тумани Буюк Ипак йўли маҳалласи Мустақиллик кўчаси 8-уйда жойлашган Шеробод туман кўриқлаш бўлимини қуриш учун лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Шеробод -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

I. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Буюк Ипак йўли маҳалласида жойлашган Олтинсой тумани кўриқлаш бўлимини қуриш бўйича лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлашда малакали мутахассисларга эга ташкилотлар жалб қилинади.

1.2 Танловнинг бошланғич қиймати – 87 500 000 **сўм** (Саксон етти миллион беш юз минг) сўм қушимча қиймат солиқ ҳисобланмаган ҳолда. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Энг яхши таклифларни танлаб олишни ташкил қилишнинг асосий

1.4 Мақсадлари қуйидагилар:

1.5 Энг яхши таклифларни танлаб олишни ўтказиш очик турда бўлиб, лойиҳа смета ишлаб чиқишни амалга ошириш ишлари бажариш бўйича

1.6 Танлашни ўтказиш кўзда тутилган.

1.7 Тўпламлар сони: 1 комплект

1.8 Хизматларнинг бошланғич нархи ва бажариладиган ишларнинг

1.9 Тафсилоти ТЕХНИК ТОПШИРИҚДА курсатилган.

1.10 Барча бирламчи рухсат берувчи ҳужжатлар, архитектура

1.11 Режалаштириш топшириғи (АРТ), топосъёмка, муҳандислик геологияси,

1.12 Гидрогеология хулосаси (талаб этилганда), АТТБ (ЗВОС) лойиҳаси ва

1.13 Экологик экспертизасидан утказиш, кушимча (газ, сув, электр, бургу кудуги ва х.к.) лойиха хужжатлари (талаб этилганда), муаллифлик назорати ишлари, техник курик (талаб этилганда) ишлари, лойи\а-смета хужжатларини экспертиза куригидан утказишни молиялаштириш ва ташкил этиш билан бирга бажарилиши лозим.

1.14 Хизмат курсатиш муддати: 30 кун.

1.15 Бюджет маблағлари ҳисобидан лойихд-смета хужжатларини ишлаб чиқишни амалга ошириш хизматини курсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича энг яхши таклифларни танлаб олишни утказишдан мақсад - мазкур объектнинг лойихд-смета хужжатларини ишлаб чиқадиган ташкилотни аниқлаш.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.16 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 15 кун.

1.17 Ишларни бошлаш муддати шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1 "**Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси** (бундан кейин- "Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Почта манзили 190900, Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Буюк ипак йўли маҳалласи

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "**Миллий гвардияси Сурхондарё вилояти Қўриқлаш бошқармаси** биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси орқали конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, машина механизмлар ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муурожаат қилишга ҳақлидирлар.